

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ЭКОЛОГИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ

**ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ
ФАНЛАР ТИЗИМИНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари

2022 йил 13–14 апрель

Гулистан – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**



ЭКОЛОГИЯ ВА ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ

**ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ ФАНЛАР ТИЗИМИНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ
мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари**

2022 йил 13–14 апрель

Гулистан – 2022

“Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла”-йили доирасида Республика иқтисодий-ижтимоий тарақкиёти негизининг барча жабҳаларида, туб ўзгаришлар вужудга келмоқда. Ушбу жараён олий таълим соҳасини ҳам қамраб олган. Бугунги кунда инсон ҳаёт фаолиятини тўлиқ таъминлашда географик қобиқ ҳолати, географик мухит, унинг экологик ҳолатини мазмунан ёритиб берувчи фанлар тизими олдига долзарб вазифаларни қўймоқда. Ушбу доирада география ва экология фанлар тизими ўзига хос илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда ва қўлга киритилган ютуқларни назарий ва амалий жиҳатдан ёритмоқда.

Ушбу илмий амалий конференция шўъба материаларида география фанлар тизимининг долзарб муаммолари; география таълими ва ёшлар онгидаги географик дунёқарашни шакллантириш; экология фанлар тизимининг долзарб муаммолари; экологик тарбия ва атроф мухит муҳофазаси; табиий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фанлар тизимидағи долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари; фанларда инновацияларнинг қўлланилишига оид мақолалар ўрин эгаллаган.

Конференция материалларидан география, экология, геоэкология, демография, гидрология, картография, метеорология, турли фан мутахассислари, тадқиқотчи, магистрант, талабалар ва таълим соҳаси ходимлари фойдаланишлари мумкин.

Масъул мұхаррир: Проф. А.Н.Нигматов

Таҳир хайъати: Проф. Ҳ. Кўшиев
Профессор Н. Комилова
Доц. С.Дониёров
Доц. Л. Каршибаева
Доц. К. Хидиралиев
Кандидат К. Ишанкулова
Кандидат М. Ахунбобоев
Ўқ. Ф. Товбаев (маъсул котиб)

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
Комил Хидиралиев
география фанлари номзоди, доцент

Мазкур тўплам Ғулистон давлат университетининг Илмий техник кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган.

КИРИШ СҮЗИ

Бугунги кунда Географик қобиқда кечаётган табиий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик жараёнлар ўзига хослик хусусиятларига эга бўлиши билан бир қаторда, мураккаб алоқадорлик асосига ҳам эгадир. Айнан ушбу асос бевосита ва билвосита география ҳамда экология фанлар тизимининг асосий ўрганиш муаммоси эканлигини англаб олишимиз лозим. Зеро Географик қобиқнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган, географик мұхитда кечаётган шиддатли, оламшумул жараёнлар кишилик жамиятини ўйлантирумасдан қўймайди.

Бизга маълумки, Географик мұхит-Ер табиатининг кишилик жамияти тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзининг хаёти ва ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита таъсир кўрсатиб турадиган қисмiga айтилади. XX-асрда жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсирда сифат жиҳатдан янги босқич бошланади. Жамиятнинг табиатга таъсири “тазийқи” ортиб кетди. Табиий ландшафтлар ўрнига антропоген ладшафтлар, шаҳарлар, тог кон саноати, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, рекрацион ландшафтлар ва бошқалар вужудга келиши нийоятда тезлашиб кетди.

Антропоген ландшафтлар бутун қуруқликнинг тахминан 60 % дан ортиқроқ қисмини эгаллади. Қуруқликнинг 20 % ерида табиий ландшафтлар қолди десак муболага бўлмас керак. Ер қобиги кўп ва хилма-хил табиий ресурсларга эга. Ресурслар ер юзасида нотекис тарқалган ва чекланган. Мамлакатлар, ўлкалар, материклар ҳам ресурслар билан турлича таъминланган. Ушбу доирада ресурс билан таъминланганлик муаммоси, улардан оқилона фойдаланиш масаласи бугунги куннинг долзарб мавзусига айланиб қолди ва улгурди. Айнан ушбу долзарб мавзуни ички моҳиятини ва масалаларини ҳал қилишда география ва экология фанлар тизимини чеклаб ўтиб бўлмайди. Бу фанлар тизимида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, бу тадқиқотларнинг бошқа фанлар билан алоқадорликда ўрганиш масаласи айнан бугунги ташкиллаштирилган илмий-амалий анжуманнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Агар эътибор берадиган бўлсак, XX-аср ўрталарида ФТР ривожланиши натижасида дунё ахолиси ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан, кишилар томонидан ўраб турган табиий мұхит ва ресурсларга бўлган таъсир жуда кучайиб кетди. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни келажак авлод учун сақлаб қолиш ҳозирги куннинг энг мұхим муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Зеро, бизга маълумки табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва кишилик жамияти эҳтиёжининг чексизлиги барча ижтимоий-иқтисодий формацияларда бўлиб келган, лекин бугунги кунда эҳтиёжимизни бошқара олишимиз долзарб мавзуга айланди.

Олимларнинг фикрига кўра минерал ёқилгининг жаҳондаги умумий геологик захираси 12,5 триллон тонна шартли ёқилгидан ортиқ. Ёқилгилар ҳозирги даражада қазиб олинса минерал ёқилги 1000 йилга етади. Барча минерал ресурслар тикланмайдиган ресурслар турига киради. Табиий ресурсларнинг айрим хилларининг жаҳондаги захираси бир хилда эмаслигини биз юкорида қайд этдик. Ресурсларга бўлган инсониятнинг талаби тўхтовсиз ортиб бормоқда.

Масалан, Ер куррасида тахминан 3,6 мингдан ортиқ кўмирли ҳавзалар ва конлар бўлиб, улар қуруқлик майдонининг 15% ни эгаллаган. Шунингдек, 400 млрд. т. қазиб олинадиган нефт захираси, 320 трлн. м. куб. табиий газ захираси мавжуд. Сув билан ер юзасининг 70,8 % қопланган, 97,5% сув дунё океанларда тўпланган. У ичишга ва технологияда ишлатишга ярамайди. Чучук сув ресурслари гидросфера умумий ҳажмининг тахминан 2,5 % ни ташкил этади. Дунёда ўрмонлар майдони ҳар йили 25 млн. гектарга ёки 0,5 % га қисқармоқда.

Ҳозирда, атроф-мұхитни ифлословчи асосий манба инсонлар томонидан қайта ишлаш ва истеъмол жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг табиатга ташланиши ҳисобланади. Табиатга чиқарилаётган чиқиндилар тахминан 100 млрд. т. га етди ва океанларга йилига 100 млн. т. ортиқ чиқинди ташланмоқда.

Ушбу ҳолатлар замирида географик омиллар, экологик қонуниятлар ётади. Буларни ўрганиш география ва экология фанлар тизими олдига кўплаб илмий, амалий вазифаларни

қўймоқда. Мазкур ҳолатда, Гулистон давлат университети, Ўзбекистон география жамияти, Сирдарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла” иили давлат Дастури доирасида “География ва экология фанлар тизимининг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари” мавзусида илмий-амалий анжумани ўтказилмоқда.

Анжуманда қўйидаги мавзуларга эътибор қаратилган: *География фанлар тизимининг долзарб муаммолари; География таълими ва ёшлар онгида географик дунёқарашини шакллантириши; Экология фанлар тизимининг долзарб муаммолари; Экологик тарбия ва атроф муҳит муҳофазаси; Табиий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фанлар тизимидағи долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари; Фанларда инновацияларнинг қўлланилиши.*

Ҳақиқатдан ҳам, Университетимизда ташкил этилган “География ва экология фанлар тизимининг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясининг нақадар долзарблиги унинг номидан ҳам кўриниб турибди. Унинг асосий мақсади Янги Ўзбекистонимиз ҳудудларидағи мавжуд географик ва экологик муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда уларнинг илмий асосланган ечимларига қаратилган. Анжуманда Республикаизнинг етук соҳа олимлари билан бир қаторда ёш олимлар, тадқиқотчилар, магистрлар ва иқтидорли талабалар ҳам ўз тадқиқот ишлари билан қатнашмоқдалар. Бу илм соҳасида устоз-шогирд анъаналарининг янада мустахкамланишига имкон яратди. Анжуман ўз олдига қўйган мақсадига тўлалигича эришишига ишонамиз. Бунда барчангизга омад, илмий ишларда равнак, соглик-саломатлик тилаб қоламиз. Гулистон давлат университетига хуш келибсиз.

Муҳсин Таджиевич Ходжиев
Гулистон давлат университети ректори

Taxlillarga ko‘ra, respublika qishloq joylarida mustaqillik yillarda bir qator ijtimoiy-iqtisodiy islohatlar amalgalash oshliidi. Jumladan, mulkchilik shakllari ko‘paydi, sog‘liqni saqlash, ta’lim tizimi va boshqalardan ijobiy natijalarga erishldi. [11, b.73]. Biroq, shunga qaramasdan, qishloqlarda ishlab chlqarish va ijtimoiy infratuzilma shaxobchalarini rivojlantirish bo‘yicha muammolar mavjud. Ularning yechimi “Qishloq dasturi” doirasida amalgalash oshlrishni nazarda tutiladi.

Foydalilanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 20 fevralidagi PQ-4201-son qarori.
2. Karimov I.A. Jahon moliviyy-iqtisodiy inqirozi: O‘zbekiston sharoitida uni bartaraf etishning yo‘llari va choralari. – T.: O‘zbekiston, 2009.
3. Alayev E. B. Sotsialno-ekonomiceskaya geografiya. Ponyatiyno- terminologicheskiy slovar. – M.: Myisl, 1983.
4. Alekseev A. I. Mnogolikaya derevnya (naselenie i territoriya) – M.: Myisl, 1990.
5. Asanov G. R. Selskoe rasselenie Namanganskoy oblasti. – T.: Fan, 1975.
6. Axmedov E., Saydaminova Z. O‘zbekiston Respublikasi. – T.: O‘zbekiston, 2006.
7. Simagin Yu. A. Territorialnaya organizatsiya naseleniya i xozyaystva. Uchebnoe posobie. – M.: KNORUS, 2005.
8. Ubaydullayeva R., Ata-Mirzaev O., Umarova N. O‘zbekiston demografik jaraenlari va aholi bandligi. – T.: Universitet, 2006.
9. Qishloq joylar demografiyasi. Prof. A. S. Soliev tahriri ostida. – T., 2005.
10. Soliyev A. S. Karshlbayeva L., Qishloq yoki qishloq aholi manzilgohlari esa qishloq joylarning markazi, tayanch punktlari hlsoblanadi .-T.,1999.
11. Kovalev S. A., Kovalskaya N. Ya., Qishloq joylar shahardan tashqari aholi yashaydigan, xo‘jaligi intensiv xususiyatga ega bo‘lgan hududlar demakdir.-T., 1980.

Тошбеков Н.А. Қаландарова Д.Д.

Бухоро давлатуниверситети, “Экология ва география кафедраси”

+99893 684 45 12

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИФИ ЭКИНЛАРИНИ СУГОРИШДА КОЛЛЕКТОР-ЗОВУР СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).

Аннотация: Ҳозирги кунда табиий ресурслардан экстенсив фойдаланиш ҳамда турли географик минтақаларда коллектор-зувур сувларидан самарали фойдаланиш экогеографик муаммолардан бири саналади. Қишлоқ хўжалик ерларини сугориш натижасида тупроқларнинг шўрланиши вужудга келмоқда. Ушбу маколада вилоятда коллектор-зувур сувларидан фойдаланиш бўйича фикр мулоҳазалар юритилган.

Калим сўзлар: Сув ресурслари, ерларнинг мелиоратив ҳолати, коллекторзовур сувлари, сугориладиган майдонлар.

Коллекторно-дренажный способ орошения сельскохозяйственных культур использование воды. (На примере Бухарской области).

Аннотация: На сегодняшний день экстенсивное использование природных ресурсов и рациональное использование коллекторно-дренажных вод в различных географических регионах является одной из эколого-географических проблем. В результате орошения сельскохозяйственных угодий происходит засоление почв. В данной статье рассматривается использование коллекторно-дренажных вод в регионе.

Ключевые слова: Водные ресурсы, мелиорация, коллекторные воды, орошаемые земли.

Collector-drainage method of irrigation of agricultural crops using water. (On the example of the Bukhara region)

Annotation: Today, the extensive use of natural resources and the rational use of collector and drainage water in various geographical regions is one of the environmental and geographical problems. Soil salinization occurs as a result of irrigation of agricultural lands. This article discusses the use of collector-drainage waters in the region.

Key words: Water resources, melioration, collector waters, irrigated lands.

Глобал иқлим ўзгаришлари туфайли тобора ортиб бораётган сув тақчиллиги шароитида қишлоқ хўжалиги экинларидан кафолатли ҳосил олиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш барқарорлигини ошириш учун мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва сугоришнинг тежамкор технологияларини кенг жорий қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, буғунги кунда дунёнинг кўпгина қисмида, қолаверса, минтақамизда, жумладан, мамлакатимизда ҳам сув ресурсларига бўлган талаб ортаётганлиги билан бирга, сувнинг тақчиллиги ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Йиллар давомида кам сувли мавсум ҳар 6-8 йилда бир марта кузатилган бўлса, охирги йилларда бу жараён ҳар 3-4 йилда такрорланмоқда.

Республикамизда ҳозирги кунда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланиш асосида сугориладиган майдонлардан олинадиган ҳосил микдорини ошириш, бу борада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда ички бозорни тўлдириш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгач барча соҳаларда жумладан, сув танқислиги шароитида мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, қўшимча сув манбаларини шаклантириш бўйича кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда.

2022 йил 28 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон «Ўзбекистон Республикасини 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккӣёт стратегиясида, «сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш¹» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 23 февралдаги “Бухоро вилоятида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги 92-сонли қарори муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда республикамизда сугориладиган ерларда коллектор-зовур сувларининг минерализациясини камайтириб, сугорма деҳқончиликда самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги учун муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Бу борада тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда коллектор-зовур сувларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда Республикализ вилоятларида сугориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси турли даражада аниқланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараккӣёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида сугориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси

Худудлар номи	Умумий сугориладиган майдон минг га	Шу жумладан (жами майдонга нисбатан %)					
		Кучли шўрланган		Ўртacha шўрланган		Кам шўрланган	
		минг	%	минг	%	минг	%
Республика бўйича	4275,3	156,25	3,7	659,17	15,4	1329,4	31,1
Қорақалпогистон Республикаси	504,0	95,4	11,8	182,7	36,3	154,8	30,7
Андижон	265,0	0	0	6,52	2,5	7,4	2,8
Бухоро	274,6	6,2	2,28	58,7	21,4	169,9	61,9
Жиззах	299,5	6,9	2,3	86,6	28,9	152,8	51,0
Қашқадарё	507,7	13,8	2,7	51,1	10,1	177,7	35,0
Навоий	131,8	7,3	5,5	20,8	15,8	86,9	65,9
Наманган	282,6	0,9	0,3	7,8	2,8	17,3	6,1
Самарқанд	378,1	0,03	0	0,41	0,1	9,50	2,5
Сурхондарё	325,7	1,57	0,5	48,0	14,7	65,7	20,2
Сирдарё	292,2	6,9	2,4	56,5	19,3	220,6	75,5
Тошкент	390,9	0,15	0	4,14	1,1	8,9	2,3
Фаргона	359,9	7,6	2,1	40,1	11,1	124,5	34,6
Хоразм	263,4	39,0	14,8	78,8	29,9	145,7	55,3

Изоҳ: Жадвал, Аму-Бухоро ИТҲБ маълумотлари асосида тузилган.

Биз ўрганадиган Бухоро вилояти ҳудудида аҳоли ва қишлоқ хўжалигининг сувга бўлган талаби ҳозирги кунда тўлиқ Амударё суви билан таъминланмоқда. Амударё сувининг микдори бирмунча муҳим ҳолга келтирилган бўлиб, ўртача йиллик оқим каналнинг бош қисмида 145-170 куб метр секундни ташкил қиласи. Ҳўплама насос станциялар ёрдамида оқизилаётган Амударё сувининг таннархи вилоят учун бир неча марта қимматга тушаётганлигини кўриш мумкин [2].

Бундан ташқари рельефнинг нишаблигига тескари оқаётган бу сунъий дарё катта майдонлардаги чўл ландшафтларининг экологик ҳолатини бузилишига сабаб бўлиб турибди. Маълумки, сугориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари режими асосан ҳудуд чегарасига олинадиган сувлар ва чегарадан чиқариб юбориладиган дренаж сувлари микдорига bogлиq бўлади.

2021 йилда вилоятда ер ости сизот сувларининг шўрланиш даражаси 0-3 гр/л бўлган майдонлар 147537 гектарни, 3-5 гр/л бўлган майдонлар 114121 гектарни ва 5-10 гр/л бўлган майдонлар 14651 гектарни ташкил қилган бўлса, туманлар кесимида ер ости сувлари таркибидаги тузлар микдори 0-3 гр/л бўлган ҳудудлар Пешкӯ, Вобкент, Бухоро туманлари, 3-5 гр/л гача бўлган ҳудудлар Қоровулбозор, Фижувон, Ромитан, Шофиркон туманлари сугориладиган ер майдонларининг аксарият қисмини ташкил қиласи. Қоракўл, Олот туманлари майдонларида ер ости сувлари таркибидаги тузлар микдори 5-10 гр/л дан юкори бўлган ҳудудлар хисобланади [5]. Ҳозирги кунда вилоятнинг сугориладиган майдонларида доимий равишда сув тақчиллиги муаммолари кузатилиб борилади ва бу масала ёгингарчилик кам бўлган йилларда кескинлашади. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик экинларини сугоришда қўшимча сув ресурслари сифатида коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш мумкин.

Бухоро воҳаси йирик сугориладиган майдонларга эга бўлиб, ҳар йили Амударёдан 4.3-4.8 млрд м³ атрофида сув олинади шундан 1,3-1,6 млрд м³ коллектор-зовур сувлари ҳосил бўлади [4]. Ҳосил бўлган кучли минераллашган коллектор-зовур сувлари Марказий Бухоро, Шимолий, Оёқогитма, Параллел Денгизкўл ва бошқа йирик коллекторлар орқали Денгизкўл,

Оёқогитма, Қоракир, Замонбобо ва бошқа ташлама кўлларга ташланади. Илмий тадқиқотлар олиб бориши натижасида коллектор-зовур сувлари минерализациясини биологик усулда пасайтириб ва дарё сувига қўшиб сугорилганда дарё сувлари 50 % гача иқтисод қилинишга эришилади [3].

Маълумки, тупроқ табиатнинг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб, ўзида жонли ва жонсиз табиий борлиқни мужассам қилган ҳосиладир. Вилоят ҳудудида чўл зонасига хос тупроқлар тарқалган бўлсада, улар бир бутун яхлит майдонлар ҳосил қилмайди. Вилоятда умумий сугориладиган майдонлар 274.600 гектардан иборат бўлиб, шундан, Бухоро 30121 гектар, Вобкент 21525 гектар, Жондор 32954 гектар, Когон 18724 гектар, Олот 21521 гектар, Пешкў 22782 гектар, Ромитан 27221 гектар, Шофиркон 28353 гектар, Қоракўл 25084 гектар, Коровулбозор 19292 гектар ва Фиждувон туманида 27014 гектарни ташкил қиласи. Туманларнинг сугориладиган майдонлари ўрганилганда уларнинг шўрланиш даражаси қўйидагича бўлган.

2-жадвал

Бухоро вилояти туманларида сугориладиган еरларнинг шўрланиш даражаси

	Туманлар номи	Умумий сугорила диган майдон минг, га	Шу жумладан				
			Кучли шурлан ган минг, га	Ўртча шурлан ган минг, га	Кам шурлан ган минг, га	Уму мий шурлан ган ерлар	Фоиз хисобида
	Вилоят бўйича	274,60	6,11	57,70	170,47	234,28	85,3
1	Бухоро тумани	30,11	0,32	6,09	19,84	26,24	87,2
2	Вобкент	21,52	0,34	3,99	14,11	18,44	85,7
3	Жондор	32,92	1,60	8,10	20,32	30,02	91,2
4	Когон	18,77	0,31	3,53	11,90	15,74	83,8
5	Олот	21,52	0,94	3,96	3,96	17,60	81,8
6	Пешку	22,78	0,28	4,63	13,98	18,90	83,0
7	Ромитан	27,22	0,29	6,60	16,36	23,25	85,4
8	Шофиркон	28,35	0,69	7,31	25,8	24,86	87,7
9	Қоракўл	25,08	0,34	4,12	17,17	21,63	86,2
10	Коровулбозор	19,29	0,08	3,45	17,9	14,97	77,6
11	Фиждувон	27,01	0,93	6,00	15,70	22,64	83,8

Изоҳ: Жадвал, Аму-Бухоро ИТХЕ маълумотлари асосида тузилган.

Жумладан, бугунги кунга келиб вилоятда сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш натижасида сувларнинг умумий миқдори 80-йилларга нисбатан 20 фоизга камайишига эришилди. Сув манбаларидан 1 гектар сугориладиган майдонга 90-йилларда 18 минг m^3 /га ишлатилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 40 фоизга камайди. Бунинг натижасида бод ва токзорларда ҳосилдорлик 40–60 фоизгача ортса, сабзавотлар каби бир йиллик экинларда 80 фоизгача ортади. Бундан ташқари меҳнат ва моддий ресурслар, жумладан минерал ўгитларни харид қилиш харажатлари ҳам камаяди.

Фойдаланилган адабиётлар.

- Хайитов Ё.К., Тошибеков Н.А., Жумаева Т.А., Критери и масштабы вторичного использования коллекторно-дренажных вод (на примере Бухарского оазиса). Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпогистон бўлимининг ахборотномаси 2019 й 55-58.
- Hayitov Yo.Q., Toshbekov N.A. Hydrologil Assessment Of The Meliorative Condition Of Collektor Drink Water In Bukhara Region. Nature And Scince. Marsland Press. 25.04.2020 99-101.

3. Hayitov Yo.Q., Toshbekov N.A. The Formation of Water Collector-Resources Drainage Network of Zarafshan Oasisand the Questions of Recycling. TEST Engineering & Management. May-June 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 27380 – 27385.
4. Хайитов Ё.К., Тошбеков Н.А., Жумаева Т.А. EFFICIENT USE OF WATER RESOURCES OF THE AMU-BUKHARA CANAL. ACADEMIK. An International multidisciplinary Research Journal 30.05.2020.15-18.
5. Hayitov Yo..Q., Toshbekov N.A. Efficient Use Of Collector-Drainage Networks (On The Example Of Bukhara Region). The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering, 3(02), 10-15.
6. Qalandarova D.D., Saydullayeva A.A. Impact of wastes of “Navoiazot” open joint stock company on living organisms and their mitigating ways. Academicia: an international multidisciplinary research journal issn:2249-7137vol.11,issue 12. december 2021.

Tojiyeva Zulxumor Nazarovna g.f.d., prof.

**Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti Iqtisodiy va ijtimoiy
geografiya kafedrasи mudiri Elektron pochta: z_tadjieva@mail.ru**

Xursanov Sadreddin Mo‘min o‘g‘li

**Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti Geografiya va tabiiy
resurslar fakulteti magistranti**

Elektron pochta: ursanov_s@mail.ru

SURXONDARYO VILOYATI ANOLISI MILLIY TARKIBINING SHAKLLANISHI TARIXI

Annotatsiya

Ushbu maqolada Surxondaryo viloyati aholisi milliy tarkibing shakillanishi qisqacha yoritilgan. Bunda asosan viloyat aholisining bugungi milliy tarkibi shakillanishiga tasir etgan omillar haqida so‘z yuritilgan.

Kalit so‘zlar

Aholi, milliy tarkib, demografik, geografik o‘rin, etnik guruh, hududiy joylashuv, etnodemografik.

HISTORY OF FORMATION OF THE NATIONAL STRUCTURE OF THE POPULATION OF SURKHANDARYA REGION

Annotation

This article briefly describes the formation of the national composition of the population of Surkhandarya region. It focuses on the factors that have shaped the current ethnic composition of the region's population.

Keywords

Population, national composition, demographic, geographical location, ethnic group, territorial location, ethno-demographic.

ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО СОСТАВА НАСЕЛЕНИЯ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация

В данной статье кратко описывается формирование национального состава населения Сурхандарьинской области. Особое внимание уделяется факторам, сформировавшим современный этнический состав населения региона.

Ключевые слова

Население, национальный состав, демография, географическое положение, этнос, территориальное положение, этнодемографический.